

Ўз вақтида огоҳлантириши, қутқарыш ва ёрдам бериш асосий вазифамизdir!



# Vaziyat

2023 йил  
1 июнь  
№ 22 (911)



Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги нашри

Газета 2004 йил 7 майдан чиқа бошлаган



## ФОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Жиззах шаҳрида "Ёш қутқарувчи" кўнгиллилар клублари ўртасидаги мусобақаларнинг Республика босқичи ўтказилди.

Унда умумтаълим ҳамда касб-хунар мактабларининг "Ёш қутқарувчи" кўнгиллилар клубларидан жами 28 та жамоа баҳс олиб борди.


Қизғин ва мурасасиз кечган мусобақа натижаларига кўра, касб-хунар таълими муассасалари бўйича 3-ўрин Тошкент шаҳар Юридик техникуми жамоасига насиб этган бўлса, 2-ўринга Ўзбекистон Республикаси ИИВ Сурхондарё Академик лицейи жамоаси муносиб деб топилди. Барча шартларда юкори натижаларни қайд этган Ўзбекистон Республикаси

ИИВ Жиззах Академик лицейи жамоаси 1-ўринни кўлга киритди.

Умумтаълим мактаблари жамоалари ўртасида ўтказилган баҳслар бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туманидаги 116-сон умумтаълим мактаби жамоаси 3-ўринни, Фарғона вилояти Кувасой шаҳрининг 1-сон умумтаълим мактаби жамоаси 2-ўринни, Жиззах вилояти Пахтакор тумани 2-сон умумтаълим мактаби жамоаси 1-ўринни кўлга киритди.

Голиб ва совриндор жамоалар диплом, фахрий ёрлиқ ҳамда қиммат баҳо совғалар билан тақдирландилар.

Ҳ.КАРИМОВ, Б.ҚОБИЛОВ,  
Жиззах вилояти ФВБ ходимлари.



Бекободлик ёшлар иштирокида "Маҳалладан вазирликка" тамойили асосида учрашув ташкил қилинди. Унда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазири ўринбосари полковник М.Муҳитдинов иштирок этди. Вазир ўринбосари мазкур тадбирда бириктирилган ёшлар билан бевосита мулоқот ташкил қилиб, уларнинг муаммолари ва орзу-мақсадлари билан ўртоқлашиди.

Самимий руҳда кечган учрашув давомида шаҳар ҳокими ҳамда мутасадди корхона ва идоралар раҳбарлари билан ҳамкорлиқда манзилли иш ташкил этиш, ёшларнинг бандлигини таъминлаш, ҳаётда ўз

ўрнини топиши ва ижтимоий-иктисодий муаммоларини ҳал этишида кўмаклашиш ва яна бошқа вазифалар юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

ФВБ Матбуот хизмати.



## ФВБ ХОДИМИ – ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ СОВРИНДОРИ

Тошкент шаҳрида Ашихара-карәт спорт тури бўйича Осиё очиқ чемпионати ўтказилди.

Мусобақада 700 нафардан ортиқ иштирокчи ғолиблик учун жанг олиб борди. Мурасасиз кечган жангла ФВБ ходими – Қашқадарё вилояти ФВБ маҳсус вазифаларни бажарувчи минтақавий қутқарув отряди қутқарувчиси Рўзимурод Умбаров 70 кг. вазнда 2-ўринни эгаллади ҳамда жаҳон чемпионатига йўлланмани кўлга киритди.

Рўзимурод Умбаровни ушбу муваффақият билан муборакбод этиб, келгисидаги мусобақаларда омад ва зафарлар тилаб қоламиз.

Қашқадарё вилояти ФВБ матбуот хизмати.

## ТАҚДИРЛАШ

Миллий гвардия Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармасида умумтаълим мактаблари ўқувчилиари ўртасида “Ёш гвардиячи” ҳарбий-спорт мусобақаси республика босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.



Тадбирда Миллий гвардия кўмондонлиги, Республика Ҳарбий прокуратураси, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги раҳбарияти қатнашдилар.

Тантанада Бош прокурор ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори Ботир Кудратходжаев иштирок этиб, ғолибларни тақдирлади.

Биринчи ўринни Қорақалпогистон Республикаси Тўрткўл тумани 18-умумтаълим мактаби аъзолари эгаллаган бўлса, иккинчи ўрин Навоий шаҳар 1-умумтаълим мактаби вакилларига, учинчи ўрин эса Намангандар оиласи Чорток тумани 5-умумтаълим мактаби жамоасига насиб этди.


Голиб жамоалар диплом, қимматбаҳо совғалар, скутер ва велосипед билан тақдирландилар.

**Сардорбек ЁРМАТОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Ҳарбий прокурори ёрдамчиси,  
аддия подполковниги.

Самарқанд шаҳрида Қўриқлаш бош бошқармаси тизимида барча вилоят бошқармалари, туман (шаҳар) бўлимлари маъсуллари иштирокида “Бўлинмаларда хизмат интизомини мустаҳкамлаш амалиёти, ҳукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликнинг олдини олишнинг долзарб масалалари” мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

## АНЖУМАН

Бир қатор вазирлик, қўмита, муассаса ва ташкилотларнинг маъсул ходимлари қатнашган ушбу тадбирда тизимдаги ходимлар орасида интизом бузилишига олиб келувчи омилларнинг сабабларини олдиндан аниқлаш, ходимлар маънавиятини янада юксалтириш, бўлинмалар жанговар шайлигини юксак даражада ушлаб туриш орқали хизмат интизомини мустаҳкамлаш, ходимларни рафбатлантириш, ҳукуқбузарлик ва



жиноятларни барвақт аниқлаш, уларнинг олдини олиш масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, Самарқанд ҳарбий прокурори О.Ўсаров “Ходимлар ўртасида жиноятларни барвақт аниқлаш, уларнинг олдини олишда ҳарбий прокуратуранинг ўрни” мавзусида маъруза қилиб, бу борадаги мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари тўғрисида тегишли таклифларни билдириди.

**Шавкатжон ШАРОФЖОНОВ,**  
Самарқанд ҳарбий прокурори ёрдамчиси,  
аддия катта лейтенанти.

## БЕЛЛАШУВ

Бухоро ҳарбий прокурори М.Бозармирзаев, ФВВ Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўлими бошлиғи Ж.Ҳасанов, вилоят ФВВ масъуллари иштирокида “Аждодлар изидан” интеллектуал ўйинлари биринчилиги ўтказилди.

Тадбир давомида ҳудудий бошқармалардан 11 та жамоа ўзаро баҳс олиб борди.

Голиб жамоа “Аждодлар изидан” интеллектуал ўйини республика босқичига йўлланманни кўлга киритиш билан бирга, фахрий ёрлиқ этилди.



ва эсадалик совғалари билан тақдирланди.

**Дилшодбек АБДУЛАЕВ,**  
Бухоро ҳарбий прокурори ёрдамчиси,  
аддия катта лейтенанти.

## САНАГА БАҒИШЛАНДИ

Гулистон ҳарбий прокуратураси томонидан Миллий гвардия Сирдарё вилояти бошқармаси, Қўриқлаш бошқармаси, вилоят Спорт бошқармаси, Ёшлар иттифоқи билан ҳамкорлиқда Бахт шаҳридаги Республи-

ка ўғил болалар ўқув тарбия муассасаси ўқувчилари иштирокида 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Тадбир доираси-

да ўқувчи-ёшлар ўртасида камондан ўқотиш, шахмат-шашка, мини футбол бўйича мусобақалар ҳамда “Ёш математик”, “Кувноқ стартлар” каби танловлар ўтказилди. Шунингдек, Миллий гвардия мутахассислари томонидан жамоат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ кўргазмалар на мойиш этилди.

**Шоҳруҳ МУХАММЕДЖАНОВ,**  
Гулистон ҳарбий прокуратураси  
терговчиси, аддия подполковниги.



Чирчиқ шаҳрида жойлашган ҳарбий қисмларнинг бирида Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори Ботир Кудратходжаев иштирокида “Прокурор ва ёшлар” учрашуви ўтказилди.



## ПРОКУРОР ВА ЁШЛАР

Унда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорига биринчирилган ёшлар ўз саволлари, муаммолари билан мурожаат қилиб, тегишли ҳукуқий тушунтиришлар, тавсияларга эга бўлдилар.

Шунингдек, ёшларга мамлакатимиз ривожи, истиқболи учун муносиб ҳисса кўшиш Ватан олди-

даги муқаддас бурч эканлиги фаол ёшлар мисолида атрофлича тушунтирилди.

**Эргаш ТИЛАВОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Ҳарбий прокуратураси бўлим  
ҳарбий прокурори,  
аддия полковниги.

## Жиноят ва жазо

## ЛИЦЕНЗИЯСИЗ ФАОЛИЯТ

Хар бир ишда қонун-қоидага амал қилиш кепрак. Шундагина ортиқча гап-сўз бўлмайди. Бироқ С.С. бунга амал қилмади. У норасмий ишлётган МЧЖга қарашли дорихонада ўтказилган назорат остига олиш тезкор-қидирив тадбирида С.С. 14 дона “Регапен 300” дори воситасини 280 минг сўмга ҳамда “Тропикомид 10 мл” томизгисини 200 минг сўмга, жами 480.000 сўмга сотган вақтида “қопқон”га тушган. Маълум бўлишича, С.С. тегишли маҳсус лицензия ва рецептсиз, қонунга хилоф равишда 28 дона “Регапен 300” ва 4 дона “Тропикомид 10 мл” ни 1.000.000 сўмга сотган вақтида ашёвий далиллар билан ушланган.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЭКМ бош марказининг хуросасига қўра, С.С.дан олинган дори воситаси ва томизги кучли таъсир қилувчи моддаларга кирувчи эканлиги маълум бўлди.

– Дорихонада фармацевт бўлиб ишлайман, – деди судланувчи С.С. – Вазифам дорихонага дориларни олиб келиш, қабул қилиб олиш, нархларни кўйиш ва келган мижозларга сотишдан иборат. Чилонзор туманидаги “Қатортол” кўчасида нотаниш шахсдан ўзим истеъмол қилиш учун “Регапен 300” дори воситасини ҳамда 4 дона “Тропикомид 10 мл” ни сотиб олганман. Бир куни бир харидор келиб, ана шу дори воситаларини сўради. Мен унга сўраётган дорилар борлигини айтдим. Қисқаси, харидорга қонунга хилоф равишда 1.000.000 сўмга сотганман. Айбимни тан оламан. Бошка бундай ишга кўл урмайман. Кечиринглар.

Суд давлат айбловчисининг хуросаси ва ҳимоячиларнинг маърузаларини тинглаб, жиноят иши ҳуқкатларини ўрганиб чиқди. Суд судланувчига С.С.га жазо тури ва миқдорини тайинлашда жиноятни ғарз ниятларда, кўпчилик учун хавфли усуслда содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этди. Шунингдек, унинг шахсини, илгари судланмаганлигини, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий шароитини, қарамоғида вояга етмаган уч нафар фарзанди борлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолат, деб баҳолади.

Суд С.С.ни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш мумкин эмас, деган қатъий фикрга келиб, унга айблов маддаси санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни мақсадда мувофиқ, деб топди. Шундай қилиб, фармацевт ЖКнинг тегишли маддасида назарда тутилган жиноятни содир этганлиқда айбор, деб топилди. У 7 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

**Ҳусанбой ПАРПИЕВ,** жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман судининг судьяси.

## УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ

Сергели тумани Маданият марказида мактабгача ва мактаб таълимий бўлими ҳамда туман ҳарбий гарнизи ҳамкорлигига "Уч авлод учрашуви" тадбири ўтказилди.



Тадбирда 7-сонли умумтаълим мактаби, 605-, 552-сонли мактабгача таълим ташкилотларининг "Биз – ёш Ватанпарварлармиз!" тўгараги аъзолари ўз чиқишилари билан иштирокчиларни мамнун этдилар.

Учрашувда катта авлод вакиллари ўз ҳаёт ва хизмат йўллари ҳақида ёшларга хикоя қилиб, зарур маслаҳат ва тавсиялар бердилар.

Фахриддин РАҲИМОВ.

## ТАВСИЯНОМАЛАР ТОПШИРИЛДИ

Намангандаги ФВБда хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларига олий ўқув юртлари ҳамда олий ҳарбий таълим муассасаларига имтиёзли ўқишга кириш ҳуқуқини берадиган тавсияномалар топширилди.



Бошқарма бошлиғи генерал-майор Қосимали Аҳмедов тадбирни очиб, тавсияномага эга бўлганларни табриклиди.

Улуғбек БОБОЖОНОВ,  
Намангандаги ФВБ бошлиғи  
ўринбосари, подполковник.

## E'TIBOR

Farg'ona viloyati FVBda tizimda uzoq yillardan buyon fidokorona mehnati bilan o'z xizmat vazifasini sidqidildan bajarib kelayotgan, mamlakatimizning tinchligi, osoyishtaligi, rivojlanishi va qonun ustuvorligini ta'minlashda jonbozlik ko'rsatib kelayotgan 20 nafr harbiy xizmatchilarning farzandlariga respublika oliy ta'lim muassasalariga o'qishga kirish uchun tavsiyanomalar topshirildi.



Davlatjon SHERMATOV,  
Farg'ona viloyati FVB bo'lim boshlig'i, podpolkovnik.



Namangan shahridagi "Oydin Plaza Hotel" mehmonxonasida BMTning O'zbekistondagi Taraqqiyot dasturi, FVV va Raspublika Gidrometeorologiya xizmati markazi bilan hamkorlikda "O'zbekistondagi jamoalarining iqlim o'zgarishi oqibatida yuzaga keladigan tabiiy xavflarga chidamliligini oshirish uchun erta ogohlantirishning kompleks tizimini takomillashtirish" qo'shma loyihasi asosida "Birinchi tibbiy yordam ko'rsatish" mavzusida seminar-trening o'tkazildi.

## TRENING

Unda Pop tumanidagi "Bog'ishamol" va "Imomota", Kosonsoy tumanı "Obodon" MFY-lari hamda tuman FVDT xizmatlari vakillari ishtirot etdilar.

Sanjar RAHIMOV,  
Namangan viloyati FVB xodimi.  
Mirg'olim KARIMOV,  
Namangan shahar FV bo'limi xodimi.

## БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

Автомобиль йўлининг 252,2 км. "Тошкент-Водий" йўналишида ҳаракатланган, 2 нафар йўловчisi бўлган "Cobalt" русумли автомашина ҳайдовчиси бошқарувни йўқотиши оқибатida автотранспорт воситаси кьюветга тушиб кетган. Натижада ҳайдовчи ва йўловчи тан жароҳати олган.

Воқеа жойига 12-механизациялашган назорат-кузатув гурӯҳи оддий аскар М.Имомназаров, ёнғин-қутқарув отрядидан 1 та жанговар "ISUZU" русумли ёнғин ўчириш техникасида ЙПХ ходимлари ва ТТЁ "Қамчикавтойўл" ИЙФУКнинг куч-воситалари жалб қилиниб, автомашина хавфсиз худудга олиб чиқилди.

И.БЎТАБОЕВ,  
"Қамчик" МКЕКБ АҚО командири,  
капитан.

## ИЛЛАТГА ҚАРШИ

Навоий кон-металлургия комбинати Ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш марказида "Коррупциясиз фаолият — ривожланиш гарови" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда шахсий таркиб ўртасида коррупция, қимор ўйинларини ўйнаш, ёлғон маълумотлар тарқатиш, ходимлар томонидан йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларининг қўпол равишда бузилиши, спиртли ичимликлар истеъмол қилган ҳолда автомобилни бошқармаслик, фуқаролар билан мулоқотга киришгanda хушмуомалада бўлиш, тамагирлик ва фиригарлик каби иллатларга йўл қўймаслик юзасидан тушунириш ишлари олиб борилди.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 25 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларига турар



## DAVRA SUHBATI

FVV Maxsus muhandislik-qurilish boshqarmasi shaxsiy tarkibi va Toshkent shahar Mirzo Ulug'bek tumanı "To'qaytepa" masjididi imomi S.Mamataliyev ishtirotida "Yot g'oyalarga qarshi immunitetni shakllantirishda axborot iste'moli madaniyatining o'rni" mavzusida davra suhbati tashkil etildi.



Tadbir yakunida harbiy xizmatchilarni qiziqtirgan savollarga atroficha javob berildi.

I.KAJANOV,  
tarbiyaviy va mafkuraviy ishlari bo'limi  
OAV bilan ishlash bo'yicha katta texnik,  
oddii askar.

## RAG'BAT



Tadbirda boshqarma rahbariyati, ota-onalar, yigit-qizlar va harbiy xizmatchilar ishtirot etdi. Tadbir so'ngida bo'lajak talabalarga Vatanimizga sodiq insonlar bo'lib kamol topishiga ishonch bildirildi.

Shaxboz BOBOMURODOV,  
Qashqadaryo viloyati FVB matbuot xizmati xodimi, oddii askar.  
Fazliddin KAMOLOV,  
kadrlar bilan ishlash bo'limi boshlig'i,  
podpolkovnik.

## МАРКАЗДА ЎҚУВ

ФВВ Академияси ҳузуридаги Башлангич тайёргарлик ва малака ошириш марказида вазирлик тизимидағи ёнгин-күтқарув автомобили қутқарувчи-хайдовчилари таркиби билан Самарқанд вилоятидаги "UzAuto Trailer" корхонасида Россия давлатининг "Варгашинский Завод ППСО" қўшма корхонаси бош мұхандис ўринбосари Евгений Яковлев ҳамда Марс Абзалиловлар иштироқида "КамАЗ 65115-1041-62x4" русумли замонавий ёнгин-күтқарув автомобилларининг тактик-техник хусусияти ҳамда ишлатиш принциплари юзасидан семинар машғулоти бўлиб ўтди.

Унда ФВВ Академияси ҳузуридаги Башлангич тайёргарлик ва малака ошириш маркази бошлиғи полковник С.Ахмедов,

шунингдек, марказ ўқитувчи ва тингловчилари иштирок этди.

Сўзга чиққанлар томонидан соҳамизниң ёш ҳарбий хизматчи ва хизматчиликага юртимизда ишлаб чиқарилаётган замонавий "КамАЗ" русумли ёнгин-күтқарув автомобиллари бўйича маълумотлар берилди. ёнгин, авария ва фавқулодда ҳолатларни бартараф этишда, шунингдек, инсонларни қутқариш ишларда фойдаланиладиган ёнгин-күтқарув автомобилидаги мавжуд авария-күтқарув асбоб-анжомлари бўйича кенг қамровли тушунчалар берилди.

**Ш.БАҚОЕВ,**  
ФВВ Академияси  
ҳузуридаги БТ ва МОМ цикл  
бошлиғи, подполковник.  
**Ж.ХОЛМУРОДОВ,**  
цикл ўқитувчиси,  
майор.

Toshkent viloyatining Bo'stonliq tumanidagi "Charos" bolalar sog'lomlashtirish oromgohida «Respublikaning cho'milish havzalarida xavfsizlikni ta'minlash hamda kichik hajmli kemalar va ular turadigan bazalar (inshootlar)dan xavfsiz foydalanishni ta'minlash» mavzusida respublika o'quv-amaliy seminari o'tkazildi.

## OROMGOHDA SEMINAR

FVV, IIIV, Fuqaro muhofazasi instituti xodimlari va professor-o'qituvchilari, Toshkent viloyati FVB xodimlari, "Chorvoq" suv ombori hududida joylashgan dam olish maskani ma'muriyati xodimlari, kichik hajmli kema haydovchilari, ommaviy axborot vositalari vakillari qatnashgan tadbir-



da texnika xavfsizligi qoidalariga rioya qilish, kichik hajmli kemalarning tuzilishi, qismlari, to'xtab turish qurilmalaridan foydalanan qoidalari borasida so'z yuritildi.

Ishtirokchilarga mavzuga oid video-filmilar, zamonaeviy kichik hajmli kemalar ko'rgazmasi, suvda cho'kayotganlarni qutqarish hamda maxsus qutqaruv texnikalari yordamida qutqaruv ishlari namoyish etildi.

**Sh.XALIKOV**  
FVV Akademiyasi  
huzuridagi FMI  
kafedra boshlig'i,  
polkovnik.

## ҚЎРИКДАН ЎТКАЗИЛДИ

"Қамчик" маҳсус қидирув, ёнгин-күтқарув бошқармаси тасаррufидаги автотранспорт воситалари ҳамда ёнгин-учириш машиналарини баҳор-ёз мавсумига ўтказиш олдидан Тошкент вилояти Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси томонидан малакали ходим жалб қилиниб, техник қўрик ишлари олиб борилди.

Тадбир давомида бошқарманинг бир гурӯҳ ҳайдовчилари иштироқида ўзига бириттирилган техникани бошқарманинг қаришдан олдингунинг техник созлиги, ёритиш чироқларининг тўлиқи

ёниши, тормоз тизмининг созлиги, советиш суюқлиги, мотор мойининг меъёрига алоҳида эътибор қаратилиши ва яна қатор вазифалар юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилди.

**Б.ҚУРБОНОВ,**  
"Қамчик" МҚЕҚБ  
МТТ ва ТФНҚБ  
бошлиғи, майор.

## YONG'IN NAZORATI

O'zbekiston Respublikasi "Yong'in xavfsizligi to'g'risida"gi qonunda «Aholi punktlarini rivojlantirish va ularda imorat qurishni rejalashtirish, binolar va inshootlarni loyihalashtirish, qurish, kengaytirish, rekonstruksiya qilish hamda texnik jihatdan qayta jihozlash chog'ida yong'in xavfsizligini ta'minlash tegishinchaligi shaharsozlik faoliyati sohasidagi maxsus vakolatli davlat organi, buyurtmachilar, imorat quruvchilar, loyiha va qurilish tashkilotlari zimmasiga yuklatiladi» deya keltirilgan.

Shunday ekan, insonlar sog'ligi va qurilayotgan har bir hayoti, mol-mulkini bino va inshootlarda asrab qolish uchun

yong'inlarni talafotlarsiz tez va samarali bartaraf etishda ichki yong'inga qarshi jihozlamni amaldagi normativ hujjatlar tabablari asosida o'matib borishsa maqsadga muvofiq bo'lar edi.

**A.TAJIMURATOV,**  
Mo'unoq tumani  
FV bo'limi bo'linma  
boshlig'i, katta  
leytenant.



Xorazm viloyati FVB томонидан kompleks tadbirlar amalga oshirilmoqda.

## MUNTAZAM RAVISHDA

Jumladan, viloyat hududidagi umumta'lim muktablarida o'qituvchi va o'quvchilarni jalb qilgan holda g'avvoslik asbob-anjomlari, sunda cho'kayotgan fuqaroni qutqarish usullari hamda qutqarilgan fuqaroga

**S.ISKANDAROV,**  
Xorazm viloyati  
FVB bo'lim  
boshlig'i, kapitan.  
**J.NAZAROV,**  
bo'lim javobgar  
ijrochisi, oddiy  
askar.

## KO'NIKMALAR OSHIRILDI

Samarqand shahridagi "FAMILIY PARK" muz saroyida amaliy o'quv mashqi o'tkazildi. Unda favqulodda vaziyatlar yuzaga kelganda, ishchi-xodimlarning harakatlari ko'rib chiqildi.



Shuningdek, viloyat FVB Hayot faoliyati xavfsizligi o'quv markazi o'qituvchilari tomonidan favqulodda vaziyatda jabrlanganlarga birinchi yordam ko'rsatish hamda bunday vaziyatlarda nimalarga e'tibor qaratish kerakligi tushuntirildi.

**Sanjar ADILOV,**  
Samarqand viloyati FVB HFXO'M  
o'qituvchisi.

da texnika xavfsizligi qoidalariga rioya qilish, kichik hajmli kemalarning tuzilishi, qismlari, to'xtab turish qurilmalaridan foydalanan qoidalari borasida so'z yuritildi.

Ishtirokchilarga mavzuga oid video-filmilar, zamonaeviy kichik hajmli kemalar ko'rgazmasi, suvda cho'kayotganlarni qutqarish hamda maxsus qutqaruv texnikalari yordamida qutqaruv ishlari namoyish etildi.

**Sh.XALIKOV**  
FVV Akademiyasi  
huzuridagi FMI  
kafedra boshlig'i,  
polkovnik.

## ХАВФСИЗЛИК МУҲИМ

Buxoro viloayoti FVB томонидан болалар дам олиш оромгоҳларининг фуқаро муҳофазаси ва ёнгин хавфсизлиги ҳолати ўрганилди. Ўрганишлар давомида аниқланган камчиликлар тегиши тартибда бартараф этилди.

Шунингдек, "Нефтчи", "Ёш алоқачи" оромгоҳларининг автоматик ёнгиндан ҳабар бериш ускуналари соз ҳолатга келтирилди. "Хумо" оромгоҳининг том ости ёғоч қурилмаларига ёниш хусусиятини пасайтирувчи суюқликлар билан ишлов берилб, кундузги оромгоҳларнинг ёнгин ўчириш мосламалари қайта зарядланди ва шай ҳолга келтирилди.

Ҳозирда бу каби тадбирлар давом этирилмоқда.

**Ф.ПЎЛАТОВ,**  
Buxoro viloayoti FVB бошлиғи  
ўринбосари, подполковник.

## Метрополитенда ёнгин хавфсизлиги

Toшкент Metropolitenida ёхтаб бўлими вакиллари ҳамда Metropolitenning ҳарбийлаштирилган ёнгиндан сақлаш бўлинмаси ходимлари ҳамкорлигига бекатларда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш юзасидан ўрганишлар ўтказилмоқда.

Мазкур тадбирлар давомида ёнгин хавфсизлигига оид сухбатлар ўтказилмоқда, йўриқномалар берилмоқда, эслатмалар тарқатилмоқда. Текширувлар давомида аниқланган камчиликлар бўйича объект раҳбарларига давлат ёнгин назоратининг ёзма кўрсатмалари тақдим этилмоқда. Metropolitenning барча бекатларида ўрнатилган монитор ва TV кабеллар орқали ёнгин хавфсизлигини таъминлашга оид видеороликлар орқали тарғибот ва ташвиқот ишлари омалга оширилмоқда.

**Жасур АБДУРАИМОВ,**  
Metropoliten ёхтаб инспектори.

## UCH GAZ KONIDA MASHG'ULOT

Qashqadaryo viloyatidagi "POMUQ", "ALAN" va "QULTAK" gaz konlarida maxsus-taktik o'quv mashg'uloti o'tkazildi.

O'quv nuqtalari-da, sodir bo'lgan shartli zilzila (avariya) haqida obyekt rahbari va fuqaro muhofazasi tuzilmalariga xabar berish,

obyekt ishchi va xizmatchilarini evakuatsiya qilish, sodir bo'lgan yong'inni bartaraf etish ishlari viloyat FVB Avaryuya-qutqaruv guruhi

va obyekt fuqaro muhofazasi tuzilmalari томонидан amaliy bajarildi.

Tadbirda FVDT tarkibiga kiruvchi korxona va tashkilotlar favqulodda vaziyatlarga qay darajada tayyor ekanliklari, Husan BOBONOV, Qashqadaryo viloyati FVB boshlig'ining 1-o'rnbosh-sari — Shtab boshlig'i, polkovnik.

## МАВСУМГА ШАЙЛИК

Buxoro viloyatiда болалар оромгоҳларида зарур шартшароитлар яратиш максадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Xususan, ёнгинлар содир бўлишининг олдини олиш мақсадида вилоят ишчи гурӯҳ ходимлари ва ҳамкорликдаги хизматlar билан биргаликда оромгоҳларнинг ёнгинга қарши воситалар билан тўлиқ таъминланиши ва ёнгинга қарши тарғиб этувчи бурчаклар тайёрланиб, ёнгин хавфсизлигини таъминлаш борасида зарур вазifalar bажарилмоқда.

**А.САЛИМОВ,**  
Buxoro viloyati FVB инспектори, катта лейтенант.

# МЕХНАТКАШ ВА ТАШАБУСКОР

Маълумки, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида ҳар бир вазифа ҳамда кўрсатмаларни тўлиқ ва ўз вақтида бажаришга ҳаракат қиласидиган, интиладиган, ўз лавозими доирасида функционал вазифаларини бажаришга жиддий ёндашадиган ҳарбий хизматчилар ва хизматчиларни кўпчиликни ташкил этади. Улар орасида фаолияти давомимда бир қатор ижобий хислатлари, меҳнаткашлиги, ташабускорлиги билан жамоа орасида ҳурматга, обрў-эътиборга эга бўлиб келаётган Самарқанд вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ўкув маркази катта ўқитувчиси хизматчи Бахтиёр Мирзақобилов ҳам бор.



Б.Мирзақобилов 1971 йилда Жиззах вилоятининг Бахмал туманида, Юлдош Мирзақобилов ва Муҳаббат Мирзақобилова хонадонида дунёга келган. Самарқанд давлат университетида рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси мутахассислиги бўйича таҳсил олиб, ушбу олийгоҳни 1994 йилда таомомлаган. 1995 – 1996 йилларда Самарқанд вилояти Мудофаа ишлари бошқармаси Фуқаро мудофааси ва фавқулодда вазиятлар бўлими раҳбарлар таркибини тайёрлаш маркази ўқитувчиси бўлиб ишлаган. 1996 – 1997 йилларда эса Самарқанд вилояти ФВБ раҳбарлар таркибини тайёрлаш маркази ўқитувчиси сифатида хизмат фаолиятини бошлаган. 1997 йилдан 2004 йилга қадар Самарқанд вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси раҳбарлар таркибини тайёрлаш маркази ўкув-услубият бўлими бошлиғи, 2004 – 2005 йиллар давомимда бошқарма кадрлар ва тарбиявий ишлар бўлими бошлиғи, 2005 – 2011 йилларда ФВБ аҳолини ва раҳбарлар таркибини

тайёрлаш маркази катта ўқитувчи, 2011 йилдан буён Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ўкув маркази катта ўқитувчиси лавозимида ишлаб келмоқда.

Хизматчи Б.Мирзақобилов ўз иш фаолияти давомимда аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, вилоят аҳолисининг фуқаро муҳофазаси соҳасидаги билим ва кўнгимларини ошириш борасида кенг кўламли ишларни амалга ошириб келмоқда. У марказнинг тингловчилари, шу билан бир қаторда, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлмаган аҳолини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида ва фуқаро муҳофазасига тайёрлаш бўйича 15 соатлик дастурларни ишлаб чиқкан. Марказда ташкил этиладиган дарсларнинг сифатли ўтказилишини доимий равишда назорат қилиб боради ҳамда ойда бир маротаба марказ ўқитувчилари томонидан ўтказилган очик дарсларни жамоа ўртасида муҳокама қилиб,

камчиликларини биргалиқда бартараф этади.

Бахтиёр Мирзақобилов фаолият юритаётган мазкур ўкув марказида 1996 – 2023 йиллар давомимда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси ҳузуридаги Фуқаро муҳофазаси институтида жами 901 нафардан зиёд, Самарқанд вилояти ФВБ Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ўкув марказида жами 62889 нафардан зиёд раҳбар ходим ўкув машгулотларида қатнашиб, ўз малакаларини оширишган. У ўқитувчилик қилиб келаётган даврда ўкув марказида жуда катта ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, ўкув марказида жами 3 та катта ўкув синф хонаси мавжуд бўлиб, улар замон талабларига мос қилиб жиҳозланган. Синф хоналаридағи стендлар, аҳолини ва раҳбарлар таркибини тайёрлашга оид бошқарув ҳужжатлари ҳамда ўкув қўлланмаларининг барчаси қайта таҳрир қилиниб, давлат стандартларига мос равишда ишлаб чиқилган ва ҳозирги кунда иш жараёнлари давом этмоқда.

Б.Мирзақобилов марказда ўкув-тайёрлов жараёнини ташкиллаштиришда барча меъёрий ҳужжатларни пухта, замон талабларига, яъни инновацион технологиялар асосида мукаммал ишлаб чиқиб, кундалик дарс мобайнида кенг кўламда, мустақил фойдаланади. Уларни ҳар куни янги адабиётлар ва ўкув қўлланмалари билан бойитиб боради.

Шу билан бир қаторда, ҳамкасларидан беғараз ёрдамини аямайди. Бошқармада ўтказиладиган барча тадбирларда фаол иштирок этади. Ушбу сифатлари билан бир неча маротаба вазирлик, бошқарма, вилоят ҳокимлиги ва бошқа ташкиллар раҳбаријати томонидан фахрий ёрликлар ва миннатдорчиликларга сазовор бўлган. Қолаверса, 2009 йил Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирининг "Энг яхши



Аҳолини ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш маркази" кўрик-танловида биринчи ўринни, 2013 йил якунлари бўйича ўтказилган танловда эса учинчи ўринни қўлга киритган.

Бахтиёр Мирзақобилов ташабуси билан марказда ташкил этилган кутубхонада ҳар хил турдаги адабиётлар, жумладан, Президенттимизнинг асрлари, Россия Федерацияси Фавқулодда вазиятлар вазирлигидан келтирилган соҳа йўналишига оид услубий дарсликлар, 419 та қонун ва қарорларнинг электрон варианatlари ва бошқа шунга ўхшаш бадий адабиётлар мавжуд. Кутубхонадаги барча адабиётлардан ўкув жараёнида мустақил равишда фойдаланади. Аҳамиятлиси, Б.Мирзақобилов томонидан фуқаро муҳофazasi соҳасида Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ўкув марказининг тингловчилари учун услубий қўлланмалар ҳамда 40 дан зиёд ҳар хил мавзудаги эслатма ва буклетлар тайёрланиб, вилоятдаги барча корхона, ташкилот ва муассасаларга тарқатиб келинмоқда.

Унинг бошчилигида вилоят телевидениесида доимий равишда фуқаро муҳофazasiga оид телекўрсатувлар ва радиоэшшийттишлар ташкил этиб турилади. У вилоятнинг аксарият маҳаллаларида бўлиб, маслаҳатхоналарни ташкил этган, маҳаллалардаги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлмаган аҳоли билан доимий равишда дастур асосида ўкув машгулотлари, семинарларни мунтазам равишда ўтказиб турди ва уларга амалий ёрдам кўрсатади.

4 нафар фарзанднинг меҳрибон отаси ҳамда 5 нафар набиралининг суюкли бобоси бўлган Бахтиёр Мирзақобилов бугунги кунда ишда ҳам, оилавий ҳаётда ҳам барчага ўрнак бўлиб келаётган инсонлардан. Албатта, устоз мақомидаги фидойи мутахassislarдан ҳар лаҳзада тажриба, билим ва ҳаётий сабоқлар олиш ёш кадрлар салоҳиятининг юксалишида бош омиллардан бўлиб хизмат қиласиди. Истагимиз шуки, орамизда Бахтиёр Мирзақобиловдек фидойи инсонлар кўпаяверсин.

Анвар ҚОБИЛОВ,  
"Vaziyat" мухбири.



## ПРОФИЛАКТИКА


Хозирда ёнгин-қутқарув хизмати ходимлари томонидан жойларда ёнгин ва бошқа тусдаги фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, содир бўлганда тўғри ҳаракатланиш, ёнгин-қутқарув техникалари ва асбоб-анжомлардан фойдаланиш бўйича учрашувлар ўтказилмоқда.

Мазкур тадбирлар жараёнида оғатлар хавфи ҳамда уларнинг талафотли оқибатлари ҳақида тушунтиришлар берилиб, амалий машғулотлар ташкиллаштирилмоқда.

Тадбирлар якунида фавқулодда вазиятларга оид эслатма материаллари тарқатилиб, аҳолининг фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилишга оид билимлари янада мустаҳкамланмоқда.

**Масудали САЙИДИЙ,**  
Тошкент шаҳар ФВБ ЁХТТЭБ  
инспектори, капитан.

## БЕЛГИЛАНМАГАН ЖОЙЛАРДА ЧҮМИЛМАНГ!



Статистик маълумотларга кўра, республикамиз бўйича сувдаги ҳалолатларнинг деярли 95 фоизи белгиланмаган ва чўмилиш рухсат этилмаган жойларда қайд этилган. Бу каби жойларга Тошкент вилоятининг Ўртачирчиқ тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи Қорасув дарёси, Тошкент канали ва “Туябўғиз” сув омбори киради.

Фуқароларимизнинг эътиборсизлиги, бепарволиги сабаб вилоятимизда сувда чўкиб вафот этиш билан боғлиқ баҳтсиз ҳодисалар сони ортиб бормоқда.

Яна бир бор белгиланмаган жойлarda чўмилиш ҳаётингиз учун хавфлилиги, сузиши билиш эса хавфсизликка кафолат бўла олмаслигини эслатиб ўтамиш...

Хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш саломатлигингиз ва ҳаётингиз кафолати эканлигини унутманг!

**Ж.ҚАМБАРОВ,**  
Ўртачирчиқ тумани ФВ бўлими НТБ  
бошлиғи, капитан.  
**А ЗОКИРОВ,**  
инспектор, катта сержант.

Abu Ali Ibn Sino nomidagi Jamoat salomatligi texnikumida о'qituvchi va о'quvchilar ishtirokida “Zilzila sodir bo'lganda aholining to'g'ri harakati” va “Cho'milish qoidasi – umr foydası” каби mavzularda profilaktik targ'ibot tadbiri bo'lib o'tdi.

## TARG'IBOT



Unda texnikumning о'quv va tarbiyaviy ishlar bo'yicha direktor o'rinnbosari A.Jamolov so'zga chiqib, bugungi kunda respublikamizda aholi xavfsizligini ta'minlash, ularni turli favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish bo'yicha amalga oshirilayotgan tadbirlar haqida то'xtaldi.

Tadbirda Samarqand viloyati FVB Hayot faoliyati xavfsizligi о'quv markazi о'qituvchisi A.Turdiqulov ham so'z olib, zilzila sodir bo'lganda aholining to'g'ri harakati, cho'milish qoidalari xususida tushuntirish va tavsiyalar berildi.

**Sanjar ADILOV,**  
Samarqand viloyati FVB  
HXFO'M о'qituvchisi.

## ATTRAKSIONLAR ХАВФСИЗЛИГИ

Xorazm viloyati hududidagi madaniyat va istirohat bog'larida joylashgan attraksionlар holati viloyat ishchi guruhi tomonidan о'rganib chiqildi.

O'rganishlar xulosasiga ko'ra, 108 ta attraksiondan 88 tasining faoliyati belgilangan tartibda to'xtatilib, elektr manbaidan ajratildi. Ishlash muddati o'tgan, yaroqsiz va qo'lbo la deb topilgan attraksionlarning 20 tasi belgilangan tartibda demontaj qilinib, foydalanishdan chiqarildi.

Hozirda bu boradagi ishlar davom ettirilmoqda.

**S.ISKANDAROV,**  
Xorazm viloyati FVB bo'lim boshlig'i,  
kapitan.  
**J.NAZAROV,**  
bo'lim javobgar ijrochisi, oddiy askar.



## ЙЎРИҚНОМА ЎТКАЗИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви акадemiya-си қурилиши ишчи-ходимлари иштирокида учрашув ўтказилди.



Тадбир давомида ходимларга ёнгин ва бошқа тусдаги фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, ёнгин ва техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш лозимлиги тушунтирилиб, йўриқнома берилди.

**Жаҳонгир ЭГАМОВ,**  
ДБА биносида ЁХТТЭБ мутахассиси,  
катта сержант.

Ғалла-2023 мавсуми бошланишидан олдин фермерлар ва фуқароларга ғалла майдонлари атроф-худудларини ҳашак ва қуриган ўтлардан тозалаш, ғалла майдонларида тамаки маҳсулотларини истеъмол қиласли, ғалла майдонларидан 50 метрдан кам бўлмаган ҳолатларда очиқ оловдан фойдаланмаслик лозимлиги тушунтирилди.

## ҒАЛЛАНИ ЁНГИНДАН АСРАНГ!

Шунингдек, ғалла мавсумига жалб қилинган қишлоқ хўжалиги техникаларини бирламчи ёнгин ўчириш воситалари ҳамда соз ҳолатдаги учқун сўндиригичлар билан жиҳозлаш зарурлиги эслатилиди.

**Ф.ПАНОҲИДДИНОВ,**  
Чуст туман ФВ бўлими  
инспектори.

Бугунги кунда соҳа мутахассислари томонидан ёнгин ва бошқа тусдаги фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш юзасидан умумтаълим мактаблари ва маҳаллаларда учрашувлар ташкил қилиб борилмоқда.

## ДАВОМЛИ ТАДБИРЛАР

Мазкур тадбирлар давомида ёнгин-қутқарув техникалари ва асбоб-анжомлардан фойдаланиш бўйича учрашув, давра сұхбатлари ва кўргазмалар ташкил қилинмоқда. Иштирокчиларга фавқулодда вазиятлар, уларнинг хавфи ва талафотли оқибатлари ҳақи-

да тушунтиришлар берилиб, амалий машғулотлар ўтказилмоқда.

**Шуҳрат САМИГОВ,**  
Тошкент шаҳар  
ФВБ ЁХТТЭБ  
мутахассиси,  
оддий аскар.

## METEOROLOGIK RADIOLOKATOR

Namangan viloyati To'raqo'rgon tumani yangi qurilgan Meteorologik radio-lokator foydalanshiga topshirildi.



Mazkur qurilma 200 km. radiusda mavjud va kutilayotgan ob-havo hodisalari to'g'risida, jumladan, bulutlar oqimi va turi, shamol tezligi hamda yo'naliishi, yog'ingarchiliklari miqdori hamda uning davomiyligi, momaqaldiroq sodir bo'lgan hududlarni vizualizatsiya qilish orqali meteorologik kartalarga tushirilgan holda oldindan xabardor qilish imkoniyatlari mavjud bo'la di. Kuzatuv ma'lumotlari esa har 10 daqiqada yangilanib, muntazam ravishda o'zgidroment axborot geoportaliga uzatib boriladi.

**Namangan viloyati FVB  
axborot xizmati.**

Олмазор туманидаги “Чукурсой” МФЙда ёнгин ва бошқа тусдаги фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, содир бўлганда тўғри ҳаракатланиш, ёнгин-қутқарув техникалари ва асбоб-анжомлардан фойдаланиш бўйича учрашув ўтказилди.

## МАҲАЛЛАДА СУҲБАТ

Учрашув давомида ёнгин ва бошқа тусдаги фавқулодда вазиятлар, уларнинг хавфи ва талафотли оқибатлари ҳақида тушунтиришлар берилиб, амалий машғулотлар ташкиллаштирилди.

**Баҳодир ИБРАГИМОВ,**  
Тошкент шаҳар  
ФВБ ЁХТТЭБ  
мутахассиси,  
оддий аскар.

## НАЗОРАТ

“Қамчик” маҳсус қиди-рув, ёнғин-қутқарув бошқар-масида ўрганиш ишлари давомида довонда жойлашган “Чинор” йўл-патруль хизмати маскани орқали хавфли юкларнинг ташилиши, сайджларни ташишга мўлжалланган 15 кишилик микроавтобусларнинг хавф-сиз ҳаракатланиши бўйича бажарилаётган чора-тадбирлар билан танишилди.

“Бешқўл” масканида навбатчилик олиб бораётган қутқарувчиликниң жисмоний, касбий ва жанговар тайёр гарлиги, қутқарувчи мақоми бўйича амалга оширилган тадбирлар, мөъёрий хужжатлар ҳолати ўрганилди.

Бундан ташқари, довонда со-дир бўлган йирик фавқулодда вазиятлар ва автомобиль йўлиниң вақтинчалик ёпилиши билан боғлиқ вазиятларда Республика



идораларо штаби ишчи гурухи аъзоларининг ҳаракатлари кўриб чиқилди.

**Ҳ.БОБОНОВ,**  
“Қамчик” МҚЕҚБ бошлиғи,  
полковник.

## BAXTSIZ HODISALARING OLDINI OЛИSH

Fuqarolarning suv havzalarida xavfsizligini ta'minlash hamda ular bilan bog'liq fav-qulodda vaziyatlar va baxtsiz hodisalarining oldini olish maqsadida viloyat FVB harbiy xizmatchilari tomonidan kompleks profilaktik tadbirlar amalga oshirilmoqda.

Jumladan, hududagi umumta'lum maktabilarida o'qituvchi va o'quvchilarni jalg qilgan holda g'avvoslik asbob-anjomlari, suvda cho'kayotgan fuqaroni qutqarish hamda qutqarilgan fuqaroga birinchich yordam ko'rsatish usullari amaliy tushuntirildi.

**S.ISKANDAROV,**  
Xorazm viloyati FVB  
bo'lim boshlig'i,  
kapitan.

**J.NAZAROV,**  
bo'lim javobgar  
ijrochisi, oddiy askar.

## МУХИМ МАВЗУДА

Олмазор туманинда “Ёшлик” МФИ-да ёнғин ва бошқа тусдаги фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, содир бўлганда тўғри ҳаракатланиш, ёнғин-қутқарув техникалари ва асбоб-анжомлардан фойдаланиш бўйича учрашув, давра сухбатлари ва кўргазмалар ташкил қилинмоқда.

Мазкур тадбирлар давомида иштирокчиларга фавқулодда вазиятлар, уларнинг хавфи ва талафотли оқибатлари ҳақида тушунишилар берилиб, амалий машгулотлар ташкиллаштирилмоқда.

**Отабек АКРОМОВ,**  
Тошкент шаҳар ФВБ  
инспектори, капитан.

## МАВСУМ ОЛДИДАН

Toшкент шаҳар ФВБ томонидан бахtsiz ҳодisalarning oлдини олиш юзасидан аҳоли va фуқарolар ўrtасида мунтазам равишda тушунишилар ўtkazilib, chumiлиш taқiqlangan очик сув ҳавзалари, сув омбори, дарё, kanal va soy-ларda назорат текшируvlari, рейdlar, tarfi-bot-tashviqot ишлари, профилактик тадбирлар ўtkazilmоқда

Tarfibot tадбирлари давомида fuқarolарга сувda сузишni билмаслик va chumiлиш қoидаларini бузish инсон ҳaёти учун ўta хавfli эканligi, шunинг учун болalarni сувda сузишni ўrgatiш lозимligi тушириб borilmoқda.

Oчиқ сув ҳавзалari да сузишni ўrganiшda,

албатта, сувning чукурлиги билан бирга, oқim tezligini ҳам эътиборга oлиш лозим. Oқim tezligi daқiқasiga 10 metrдан oшмаслиги зарур. Шuning учун ҳам рухsat этилган сув ҳавзаларида chumiлиш va bu boradagi қoидalariга riоя этиш талab этилади.

**Д.АҲМАДЖНОВ,**  
Вазирlar Maҳкамasi  
apparati Ҳukumat uйи  
va avtoxujkaliги  
binolariда ёхттэб  
mutahassisasi, oddiy  
askar.

## FOYDALI SABOQLAR

Ohangaron shahar FV bo'limi, IIB, MG hamda mahalla fuqarolar yig'inlari mas'ullari hamkorligida shahar hududidan oqib o'tuvchi kanal, soy va daryolarning cho'milish taqiqlangan joylarda fuqarolar cho'milishining oлдинi olish hamda xavfsizligini ta'minlash maqsadida profilaktik tadbirlar olib borilmoqda.



Navbatdagi tadbir "Qo'rg'on" hamda "Yangiobod" mahalla fuqarolar yig'inlarida o'tkazildi. Unda voyaga yetmagan yosh bolalarning belgilanmagan joylarda cho'milish holatlari aniqlanib, bolalarga nazoratsiz joylarda cho'milish hayoti va sog'lig'iga xavfli ekanligi bo'yicha tushuntirish ishlari amalga oshirildi.

Shahar hududida profilaktik tadbirlar kun-u tun amalga oshirilib, tegishli xizmatlar bilan nazorat postlari tashkil etildi.

**Azizbek QO'SHAQOV,**  
Ohangaron shahar FV  
bo'limi boshlig'i o'rinosari,  
kapitan.

**Jamol TOSHBOYEV,**  
bo'linma boshlig'i,  
leytenant.

## БЕТАЛАФОТ ЎТКАЗАЙЛИК

Ўrim-йигим даврида ғаллани ёнғиндан асрash бўйича кўплаб ишлар амалга оширилсада, айrim ҳолларда ғалла майдонларида ҳосилни ийғишириб олиш даврида ёнғин содир бўлишини кузатиш мумкин.

Bunga sabab sifatiда об-ҳавонинг кескин исиб кетиши, мавсум даврида ўrim машинасига техник кўрик кўрсатишнинг кечикиши, айrim ҳолларда ғалла майдонlariдан ўtган юкори кучланишдаги электр линиялари, ғалла майдонlariда сигарет чекишга йўл қўйилиши ва шунга ўxаш бир қатор омилларни келтириш мумкин.

Ғалла майдонlariда ёнғин содир бўlganda,

ёнғin майдонining катта ёки кичиклигидан қатъи назар ўrim-йигимga жалб қилинган комбайнларда ва ғаллани ташиш учун бириктирилган автомобилларда дастлабки ёнғin ўчириш воситалари билан таъминланганлиги ва уларнинг доимий соз ҳolda бўliши talab этиладi.

**C.MURTAZOEV,**  
Buxoro viloyati FVB  
inspektorasi, kattha  
lejtenant.

## ДОННИ АСРАЙЛИК!

«Галла-2023» мавсумида ғаллани ёнғin чиқish xavfidan сақлаш барчамизнинг бурчимиздир. Чунки ғалла давлат ва umumxalқ назoratidagi rizq-rўzimiz, uning biror mисқолининг isrof bўliшига, aйnиска, ёниб ketiшига, aslo йўл kўyib bўlmайдi.

Шундай экан, ғалла ўrim-йигими мавсумида ғалла майдонlariда ёnғin xavfisziliги қoидalariга tўliq amal қiliшимiz lозимligini unutmаслигimiz зарур.

**C. ZULUNOV,**  
Andijon viloyati FVB  
OAB va JTБХҒГ  
бошлиғи, майор.

## ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ

Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 11 апрелдаги “Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизимини янада тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатлariга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги” ЎРҚ-829-сон қонуни билан Ўзбекистон Республикаси айrim қонунлariга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, мазкур қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига бир қанча ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди, шунингдек, “Оилавий (маиший) зўравонлик” деб аталган 126<sup>1</sup>-модда, шунингдек, «Шахснинг шаънини ва қадр-қимматини камситувчи ҳамда инсон ҳaётининг сир тутиладиган томонларини акс эттирувчи маълумотларни ошкор қилиш” деб аталган 141<sup>3</sup>-модда билан тўлдирилди.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ҳам бир қанча ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди, янги моддалар билан тўлдирилди.

Жумладан, «Ҳaқ тўланадиган жамоат ишларига мажбурий равишда жалб этиш” деб аталган 28<sup>1</sup>-модда билан, шунингдек, “Шаҳвоний шилқимлик қилиш” деб аталган 41<sup>1</sup>-модда билан, «Ота-онанинг ўз voyaga etmagan bolalariга vasid ёки ҳomий tайинлаш бўйича мажбуриятлariни бажарmasligi” деб аталган 47<sup>1</sup>-модда билан ва «Оилавий (маиший) зўравонлик” деб аталган 59<sup>2</sup>-моддалар билан тўлдирилди.

Шу каби Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Хотин-қизларни тазайик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ЎРҚ-561-сон қонунига ҳам ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди, шунингдек, “Ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини uzaytiiriш” деб номланган 23<sup>1</sup>-модда билан тўлдирилди.

Ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини uzaytiiriш тўғрисидаги iltimosnomasi materiallari keliib tushgan paitdan eъtiboran йигirma tourt soat ichida ёпиқ суд мажлиsiда жабrlanuvchi ҳamda tazayik ўtkazgan va (ёki) zўrawonlik codir etgan ёхуд ularни codir etishiha мойил bўlgan shaxs ҳozirliqida kuriб чиқiladi.

Судья ish materiallari bilan taniishiб чиқqanidan keyin ҳimoya orderinining amal қiliш muddatini uzaytiiriш tўғrisida ёki ҳimoya orderinining amal қiliш muddatini uzaytiiriш тўғrisidagi iltimosnomani qanoatlantiriшni rad etish ҳaқida қaror chiqaradi.

Суднинг ҳimoya orderinining amal қiliш muddatini uzaytiiriш tўғrisidagi қarori yoki ғeshitirilgan paitdan eъtiboran kuchga kiraadi va ichki ishlari organlari tomoniidan darxol ijkor etiliadi.

Мазкур қонун хотin-қizlар ва bolalapga nisbatan shilqimlik ҳamda zўrawonlikning oлдинi oliш, ojalalarda maъnaviy-ahloqiy muhitni soғlomlaшtiриш, bolalap va хотin-қizlар ҳuқuqlari bilan bogliq halqaro indekslarida mamplakatimizning ўrnini jaхillaш, shuningdek, Bolalap masalalari bўyicha milliy komissiya, Bolalap masalalari bўyicha Қoraқalpogiston Respublikasi, viloyatlar, Toшkent shahar va tumanlar (shaharlar) komissiyalari faoliyatining mustaҳkam ҳuқuqiy asosini yaratishiha xizmat қilladi.

**М.ҲАСАНОВА,**  
жиноят ishlari bўyicha Sergeli tuman  
sudining sudyaasi.

# ЗЗГУ САНА

1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни 1925 йил Швейцариянинг Женева шаҳрида болалар фаронлигига бағишинган Бутунжаҳон конференциясида таъсис этилган бўлса, орадан 25 йил ўтиб 1950 йилдан бутун дунёда байрам сифатида нишонланниб келинади.

Болалар ҳаётимиз давомчилари, келажагимиз эгаларидир. Бинобарин, уларни асраб-авайлаш, ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказиш ҳар бир оила, ҳар бир ота-онанинг муқаддас бурчидир.

Жонажон Ўзбекистонимизда фарзандларимиз ана шундай меҳр-муҳаббат, улкан ғамхўрликлар оғушида вояга етмоқда.

Бизнинг халқимиз жуда ҳам болажон, айниқса, пандемия туфайли карантин жорий этилганлигининг битта яхши томони ҳам бўлди, оиласда ҳамма жамулжам бўлиб, айниқса, бундан болалар хурсанд бўлишиди.

Ота-оналар билан биргалиқда дарс тайёрлаш, китоб ўқиш, боғда ишлаш, телевизор кўриш, компьютер ўйнаш жуда мороқли бўлди.



С.МИРЗАЛИЕВ,  
“Қамчиқ” МҚЁҚБ АХБАБА бошлиғи,  
II даражали сержант.



## ХАЛҚАРО КУН ТАРИХИ

Ёзинг биринчи кунига тўғри келадиган мазкур сана энг қадими халқаро байрамлардан бири бўлиб, бутун дунёда 1950 йилдан бери нишонланади.

Уни ўтказиш тўғрисида қарор 1949 йил ноябрь ойида бўлиб ўтган маҳсус сессияда Халқаро Демократик Аёллар Федерацияси томонидан қабул қилинди. БМТ ушбу ташбусни кўллаб-куватлади ва болалар ҳуқуқлари, ҳаёти ва саломатлигини ҳимоя қилишини ўз фаолиятининг устувор йўналишларидан бири деб эълон қилди.

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни, энг аввали, катталарга болаларнинг яшаш, фикр ва эътиқод эркинлиги, таълим олиш, ҳордиқ чиқариш ва ҳордиқ чиқариш ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, жисмоний ва руҳий зўравонлиқдан ҳимоя қилиш зарурлигини эслатиб турди. Инсонпарвар ва адолатли жамиятни шакллантириш учун зарур шарт-шароитлар сифатида болалар меҳнатидан фойдаланиш.

1959 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан Бола ҳуқуқлари дек-

лацияси қабул қилинди. Унда ота-оналар, давлат орғонлари, маҳаллий ҳокимиёт ва ҳукуматлар, нодавлат ноҳижорат ташкилотлари болаларнинг уларда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларини тан олишга ва уларни ҳурмат қилишга интилишга чақиравчи моддалар мавжуд. Декларация фақат тавсия характеристига эга бўлиб, мажбурий кучга эга эмас эди.

Бола ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқ даражасида кўриб чиқилган биринчи ва асосий халқаро ҳуқуқий ҳуёжат 1989 йил 20 ноябряда БМТ томонидан қабул қилинган

Бола ҳуқуқлари тўғрисидағи конвенциядир. Болалар ҳар бир мамлакат аҳолисининг таҳминан 20–25 физни ташкил қилади. Турли мамлакатларда улар турли хил ҳавф-хатарларга дучор бўлиб, уларни ҳимоя қилиш керак: ривожланган мамлакатларда булар телевизор ва компютерга қарамликнинг салбий оқибатларидан. Жиддий тадқиқотлар шуни кўрсатдики, болалар ҳаётда ўзларининг шафқатсиз ҳаракатларидан нусха кўчиришга мойилдирлар

(масалан, фильмлар ёки компютер ўйинларидан). Яна бир муаммо, Фарбий Европада болаларнинг этра жинсий ривожланишидан хавотирда, Японияда улар асосий хавфни анъанавий таълим усулларини йўқ қилишда ва Farb одатлари ва хатти-ҳаракатларининг, тобора ортиб бораётган кириб боришидан кўришмоқда. Африка ва Осиёда болаларга очлик, ОИТС, саводсизлик ва ҳарбий можаролар таҳдид солмоқда.

Россияда болалар ҳуқуқлари 1998 йил 24 июлдаги "Россия Федерациясида бола ҳуқуқларининг асосий кафолатлари тўғрисида" Федерал қонуни билан ҳимояланган. У Россия Федерацияси Конституциясида назарда тутилган боланинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг асосий кафолатларини белгилайди. Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни ҳар доим турли тадбирлар билан нишонланади, унинг мақсади, бутун дунёдаги болаларнинг аҳволига эътиборни қарашдир.

Ўзбекистонда болалар ҳуқуқлари, авваламбор,

ФВВ раҳбарияти ва шахсий таркиби вазирлик ҳузуридаги Сеймопрогностик мониторинг Республика маркази Маъмурӣ хўжалик бўлими ходими Нуҳриддин ИСМОИЛОВга падари бузруквори МЕХРИДДИН ОТАНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



## Vaziyat

газетаси

**Муассис:**  
**Ўзбекистон**  
**Республикаси**  
**Фавқулодда**  
**вазиятлар**  
**вазирлиги**

Бош муҳаррир в.б.  
Азamat СҮЮНОВ

Газета таҳририят  
компьютерхонасида  
саҳифаланди.

Газета ҳар ҳафтанинг  
пайшанба куни чиқади.  
Топшириш вақти — 15:00.  
Топширилди — 15:00.

Навбатчи:  
М.САНАЕВ

Таҳририятга юборилган  
материаллар қайтарилмайди ва  
изоҳ берилмайди.  
Муаллифлар фикри таҳририят  
нуқтаи назаридан фарқланиши  
мумкин.

Газетадан олинган  
материаллар манбаси  
кўрсатилиши шарт.

Газета Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигидаги 2007 йил  
3 январда 0096-рақам  
билан рўйхатга олинган.  
**ISSN 2091-5292**

**Таҳририят манзили:**  
100084, Тошкент шаҳри,  
Кичик ҳалқа йўли, 4-йў.  
Тел.: (71) 231-96-71  
Телеграмм: (90) 016-87-67

**Индекс:**  
якка обуначилар ва  
ташкилотлар учун – 382

Газета  
“BUSINESS PRINT DESIGN”  
босмахонасида босилди.  
**Манзил:** Тошкент шаҳри,  
Сўгалли ота кўчаси, 5-йў.  
Буюртма №  
Бичими: А3, ҳажми: 2,0 б.т  
Адади — 6630 нусха